ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

Қишлоқ ҳаёти

QiShLO'Q HAYO'Ti

1996 йил 20 февраль СЕШАНБА № 14 (5.686) сотувда эркин нархда

ТАЪСИСЧИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ислом КАРИМОВ:

ЎЗБЕКИСТОН — ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМДИР

Мамлакатимиз озод осмонида истиқлолнинг мунаввар қуёши порлаб, демократик давлат қуриш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга киришилганидан буён жаҳон аҳли, хусусан журналистлар Узбекистонда кечаётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётир. Юртимизда ўтказилаётган ислоҳотлар жараёнига алоҳида эътиборнинг боиси шундаки, Узбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлаб, бу йўлдан оғишмай дадил илгариламоқда.

Ростини айтиш керак, тўғри танлангани бугун кўпгина давлатлар томонидан эътироф этилаётган, ўзининг самараларини бера бошлаган бу йўлга дастлаб муносабат ҳар хил бўлгани эсимизда. Яқин ва узоқ хориждаги оммавий ахборот воситалари мамлакатимиздаги вазият ва ислоҳотлар жараёни билан яқинроқ, батафсил танишмай, юзаки ёзилган мақолаларда Узбекистонни обрўсизлантиришга, жаҳон аҳли жумладан, йирик сармоядорлар ҳамда тадбиркорларда юртимиз ҳақида нотўғри тасаввур уйғотишга уринган пайтлари ҳам бўлди. Бу борада Россия матбуоти «яловбардорлик» қилганини таассуф билан таъкидлаш жоиз.

Лекин шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, йироқда нотайин манбааларга асосланиб, Узбекистон ҳақида нотўғри тасаввурда юрганлар ҳар гал юртимиз ҳаёти билан бевосита танишгач, юртбошимиз билан мулоқотда бўлгач, узларининг алданиб юрганига имон келтирадилар. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Бир гуруҳ россиялик журналистларнинг мамлакатимизга ташрифи уларга юртимиз иқтисодиёти, ижтимоий ва маданий ҳаёти билан кенг танишиш имконини берди. «Новое время» журнали, «Московские новости», «Известия», «Правда», «Независимая газета», «Сегодня», «Век», «Деловой мир» газеталари, «Озодлик» радиоси Москва бюроси, «Россия радиоси», «Интерфакс» ахборот маҳкамаси, Россия жамоат телевидениеси (ОРТ) вакилларидан иборат россиялик журналистлар республикамиз Олий Мажлисида, Вазирлар Маҳкамасида, Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг бир неча шаҳар ва туманларида бўлдилар. Талай раҳбарлар, жамоатчилик, сиёсий партиялар вакиллари, оддий фуқаролар билан учрашдилар, баҳс-мунозараларда бўлдилар.

Узбекистон билан танишув сафари сўнгида уларни республикамиз Президенти Ислом Каримов қабул қилди.

Ислом Каримов журналистларнинг Узбекистон бўйлаб сафари таассуротлари натижасида ёзилажак мақолалар республикамиз билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига, икки мамлакат халқларининг бир-бирини янада теранроқ тушунишига хизмат қилишига ишонч билдирди.

«Свобода» радиоси Москва бюросининг муҳаррири В. Кулистиков ташрифнинг муҳим аҳамияти ҳақида сўзлар экан, уни ташкил этгани учун Узбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Узларининг бу сафари Узбекистоннинг демократия тамойилларига қатъий амал қилаётганининг исботи эканини қайд этди.

Узбекистон Президенти россиялик журналистлар саволларига жавоб қайтариш-га киришар экан, мамлакатимиз барча учун очиқлигини, Узбекистон иқтисодиётни сиёсатдан устун қўйган ҳолда жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ва ўзаро манфаатли алоқалар урнатаётганини таъкидлади.

Россиялик журналистлар дастлаб Узбекистон раҳбаридан мамлакатдаги ички сиёсий вазият ва партияларнинг ҳукумат билан муносабатлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадилар. Ислом Каримов бу саволга жавобан мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва демократик ўзгаришлар тўғрисида сўзлади.

— Кўппартиялилик биз учун ҳам янги ҳодиса; — деди жумладан Президент. — Айни пайтда Узбекистонда бир неча партия мавжудлиги ва улар Олий Мажлисда ўз фракцияларига эгалигидан воқифсиз. Бироқ мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳали шаклланиш жараёнидадир.

Узбекистон раҳбари демократиялаш жараёнининг энг муҳим жиҳати жамиятимизда сайлов йўлининг қарор топгани эканига эътиборни қаратди. Сиёсий партиялар шунчаки тузилмай, жамиятдаги маълум қатламга таяниши, бу қатлам вакиллари фикр-ўйлари, иродаси ифодачиси бўлиши лозим. Россияда парламентга сайловлар чоғида элликка яқин сиёсий блоклар тузилган бўлсада, айтарли жиддий сиёсий дастури бўлмагани боис уларни фақат етакчиларига қарабгина фарқлаш мумкин эди. «Люмпенлашув», яъни маънавий қашшоқлик оқибатида ўз қиёфасини йўқотиш, ҳамма нарсага, мамлакат тақдирини ҳал этадиган сиёсий тадбирларга ҳам бефарқлик ҳозирги замонда зоҳир бўлаётган муҳим муаммолардан биридир.

Ислом Каримов «Правда» газетаси мухбирининг Узбекистонда Коммунистик партия ташкил этилиши мумкинми, деган саволига жавобида бу мавзудаги фикрини янада ривожлантирди. Партиялар фақат миллий заминда барпо этилиши шарт. Хориждаги сиёсий кучлар иродаси, кўмаги билан тузилмаслиги лозим. Зеро, партия мамлакат халқига таяниши, унинг манфаатларига хизмат қилиши даркор. Аниқ ҳолда кўпгина сиёсий партияларга ёзилажак демократик ўзгаришлар тўғрисида сўзлади.

— Кўппартиялилик биз учун ҳам янги ҳодиса; — деди жумладан Президент. — Айни пайтда Узбекистонда бир неча партия мавжудлиги ва улар Олий Мажлисда ўз фракцияларига эгалигидан воқифсиз. Бироқ мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳали шаклланиш жараёнидадир.

Узбекистон раҳбари демократиялаш жараёнининг энг муҳим жиҳати жамиятимизда сайлов йўлининг қарор топгани эканига эътиборни қаратди. Сиёсий партиялар шунчаки тузилмай, жамиятдаги маълум қатламга таяниши, бу қатлам вакиллари фикр-ўйлари, иродаси ифодачиси бўлиши лозим. Россияда парламентга сайловлар чоғида элликка яқин сиёсий блоклар тузилган бўлсада, айтарли жиддий сиёсий дастури бўлмагани боис уларни фақат етакчиларига қарабгина фарқлаш мумкин эди. «Люмпенлашув», яъни маънавий қашшоқлик оқибатида ўз қиёфасини йўқотиш, ҳамма нарсага, мамлакат тақдирини ҳал этадиган сиёсий тадбирларга ҳам бефарқлик ҳозирги замонда зоҳир бўлаётган муҳим муаммолардан биридир.

Бир гуруҳ россиялик журналистларнинг мамлакатимизга ташрифи уларга юртимиз иқтисодиёти, ижтимоий ва маданий ҳаёти билан кенг танишиш имконини берди. «Новое время» журнали, «Московские новости», «Известия», «Правда», «Независимая газета», «Сегодня», «Век», «Деловой мир» газеталари, «Озодлик» радиоси Москва бюроси, «Россия радиоси», «Интерфакс» ахборот маҳкамаси, Россия жамоат телевидениеси (ОРТ) вакилларидан иборат россиялик журналистлар республикамиз Олий Мажлисида, Вазирлар Маҳкамасида, Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг бир неча шаҳар ва туманларида бўлдилар. Талай раҳбарлар, жамоатчилик, сиёсий партиялар вакиллари, оддий фуқаролар билан учрашдилар, баҳс-мунозараларда бўлдилар.

Узбекистон билан танишув сафари сўнгида уларни республикамиз Президенти Ислом Каримов қабул қилди.

Ислом Каримов журналистларнинг Узбекистон бўйлаб сафари таассуротлари натижасида ёзилажак мақолалар республикамиз билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига, икки мамлакат халқларининг бир-бирини янада теранроқ тушунишига хизмат қилишига ишонч билдирди.

«Свобода» радиоси Москва бюросининг муҳаррири В. Кулистиков ташрифнинг муҳим аҳамияти ҳақида сўзлар экан, уни ташкил этгани учун Узбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Узларининг бу сафари Узбекистоннинг демократия тамойилларига қатъий амал қилаётганининг исботи эканини қайд этди.

Узбекистон Президенти россиялик журналистлар саволларига жавоб қайтариш-га киришар экан, мамлакатимиз барча учун очиқлигини, Узбекистон иқтисодиётни сиёсатдан устун қўйган ҳолда жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ва ўзаро манфаатли алоқалар урнатаётганини таъкидлади.

Россиялик журналистлар дастлаб Узбекистон раҳбаридан мамлакатдаги ички сиёсий вазият ва партияларнинг ҳукумат билан муносабатлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадилар. Ислом Каримов бу саволга жавобан мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва демократик ўзгаришлар тўғрисида сўзлади.

— Кўппартиялилик биз учун ҳам янги ҳодиса; — деди жумладан Президент. — Айни пайтда Узбекистонда бир неча партия мавжудлиги ва улар Олий Мажлисда ўз фракцияларига эгалигидан воқифсиз. Бироқ мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳали шаклланиш жараёнидадир.

Узбекистон раҳбари демократиялаш жараёнининг энг муҳим жиҳати жамиятимизда сайлов йўлининг қарор топгани эканига эътиборни қаратди. Сиёсий партиялар шунчаки тузилмай, жамиятдаги маълум қатламга таяниши, бу қатлам вакиллари фикр-ўйлари, иродаси ифодачиси бўлиши лозим. Россияда парламентга сайловлар чоғида элликка яқин сиёсий блоклар тузилган бўлсада, айтарли жиддий сиёсий дастури бўлмагани боис уларни фақат етакчиларига қарабгина фарқлаш мумкин эди. «Люмпенлашув», яъни маънавий қашшоқлик оқибатида ўз қиёфасини йўқотиш, ҳамма нарсага, мамлакат тақдирини ҳал этадиган сиёсий тадбирларга ҳам бефарқлик ҳозирги замонда зоҳир бўлаётган муҳим муаммолардан биридир.

Ислом Каримов «Правда» газетаси мухбирининг Узбекистонда Коммунистик партия ташкил этилиши мумкинми, деган саволига жавобида бу мавзудаги фикрини янада ривожлантирди. Партиялар фақат миллий заминда барпо этилиши шарт. Хориждаги сиёсий кучлар иродаси, кўмаги билан тузилмаслиги лозим. Зеро, партия мамлакат халқига таяниши, унинг манфаатларига хизмат қилиши даркор. Аниқ ҳолда кўпгина сиёсий партияларга ёзилажак

Ислом КАРИМОВ:

ЎЗБЕКИСТОН — ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

лозимки, давлат бюджетининг катта қисмини ижтимоий соҳага сарфлаш режалаштирилган. Жумладан, аҳолини ҳимоялашга сарфланажак харажатлар бюджетнинг икки бандида ўз ифодасини топган. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш деб номланган бу бандларда қайд этилган маблағ ўтган йилдагидан анча кўп бўлиб, бюджет харажат қисмининг 51,4 фоизига баробардир.

Ўзбекистон раҳбари саволнинг иккинчи қисмига жавоб берар экан, республика Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори муносабати билан мамлакатимизнинг 5 миллион 600 минг фуқароси омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш имкониятига эга бўлганини, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган бу тадбир ҳар томонлама пухталик билан ишлаб чиқилганини қайд этди.

Ҳар бир мамлакат тараққиётга интилар экан, олга юришга монелик қилиши мумкин бўлган хавфни ҳисобга олиши керак. Хўш, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи хавфсизлигига нималар даҳл қилиши мумкин? Хусусан, демографик муаммолар мамлакат барқарорлигига хавф солмайдими? Мухбирнинг ушбу саволига жавобан Президент ислом фундаментализми, аниқроғи халқаро экстремизм, Афғонистондаги уруш ва Тожикистондаги нотинчлик минтақа хавфсизлигига катта путур етказаётганини таъкидлади.

— Мен икки маротаба БМТ минбаридан жаҳон ҳамжамияти эътиборини ушбу муаммога қаратдим, деди Ислом Каримов. Йирик давлатларнинг узаро манфаатлари тўқнаш келган бу заминда тинчликни таъминлаш учун аввало БМТ Афғонистонга қурол-яроғ сотишни тақиқлаши зарурлиги ҳақида билдирган таклифим яқинда Европа парламенти томонидан қўллаб-қувватланганини ва бу таклиф БМТ Хавфсизлик кенгашига тавсия этилганидан мамнунман.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш тарафдори сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу ўринда БМТнинг Тошкентда ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаш-семинарини эслаш жоиздир. Бу семинарни ўтказишни ҳам мамлакатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб таклиф қилган эди. Юртбошимиз журналистлар билан суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг Афғонистон орқали денгиз портларига чиқадиган автомобил йўли қуриш нияти афғон тупроғида давом этаётган уруш туфайли амалга ошмай турганини ачиниш билан таъкидлади. Бу йўл қурилишининг бошланиши қурол тутишга ўрганган неча юз минглаб кишиларни меҳнат, яъни ризқу рўз билан таъминлаш имконини берар эди.

Мулоқот давомида Президент айримларнинг Афғонистон ҳукуматига муҳолиф бўлган Абдурашид Дустумни «ўзбек генерали» деб аташларини тушунолмаслигини баён қилди. Ҳамонки, А. Дустум Афғонистон фуқароси экан, демак, у Афғонистон генерали бўлади. Бинобарин, генерал унвонига эга, айтайлик, Ўзбекистон фуқароси қайси миллатга мансуб эканлигидан қатъи назар, ҳақли равишда Ўзбекистон генерали, деб аталади.

Мамлакатимизда қарор топган фуқаролар тотувлигига, мустақил Ўзбекистоннинг эркин демократик жамият қуриш йўлидаги фаолиятига Россиядаги айрим шовинистик кучлар ҳам хавф солиши мумкинлигини Ислом Каримов алоҳида таъкидлаб ўтди. Демографик муаммолар Ўзбекистонга хавф солмайди. Ўзбекистон раҳбари ўз фикрини Жанубий Корея мисолида исботлади. Корея Республикасида 2 миллион гектардан зиёд ҳайдаладиган ер мавжуд. Мамлакат аҳолиси 42 миллиондан зиёд. Ўзбекистон эса 4 миллион гектардан ортиқ ер майдонига эгадир. Мамлакатимиз аҳолиси 23 миллиондан ошди, холос. Рақамларнинг ўзиёқ юртбошимизнинг ҳақлигидан гувоҳлик беради. Суҳбат айланиб матбуот мавзусига келди. Россия матбуотида мамлакатимиз ҳақида бир қанча мақолалар ёзган «Известия» газетаси мухбири В. Вижутович матбуот Ўзбекистонда «тўртинчи ҳокимият» вазифасини қандай бажаётгани ҳақида савол берди.

Ислом Каримов бу ҳақда сўзлар экан, матбуот Ўзбекистонда ҳали Ғарбдагидек мавқега кўтарила олмаганини, аммо бу борада бир қанча ишлар амалга оширилаётганини, хусусан, тажриба ўрганиш учун ёш журналистлар хорижий мамлакатларга жўнатилаётганини маълум қилди.

Президент мамлакатда амалга ошаётган ишлардан раҳбар сифатида тўла қониқмаётганини айтди. Боқимандалик кайфиятидаги раҳбарлар ҳамон мавжудлигини, умуман боқимандаликни ўзининг асосий мухолифи, деб билишини қайд этди. Афсуски, бу иллатдан ҳанузгача қутила олганимиз йўқ.

Учрашув якунида юртбошимиз мамлакатимизга ташрифи ва Ўзбекистонда кечаётган воқеаларга қизиқиш изҳор этганлари учун россиялик журналистларга миннатдорлик билдирди. Уларнинг икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорликка ҳисса қўшиш йўлидаги фаолиятига муваффақият тилади. Россиялик журналистлар самимий қабул, очиқ-ошкора суҳбат учун юртбошимизга ташаккур изҳор этдилар.

Суҳбат якунлангач, биз россиялик журналистлардан баъзилари билан фикрлашдик. Жумладан, «Озодлик» радиоси Москва бюросининг муҳаррири Владимир Кулистиков Ўзбекистон сафаридан олган таассуротлари хусусида бундай деди:

— Сафар давомида Ўзбекистон Президентининг ислоҳотларни амалга ошириш ва жамиятни демократиялаш йўлида қатъият билан ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлдик, — деди ҳамкасбимиз. — Биз Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ғурфа касбдаги кишилар билан учрашдик. Уларнинг ўз келажакларидан кўнгли тўқ ҳолда яратиш, бунёдкорлик билан бандлигини кўрдик. Ўзбекистонда ислоҳотлар билан бир вақтда ўтиш даврида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатилаётгани ибратлидир. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ўзга давлатлар томонидан муносиб баҳоланиши керак, деган фикрдаман.

Россиялик журналистларнинг мамлакатимизга сафари, юртбошимиз билан бўлган учрашуви республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётгани хусусидаги уларнинг узуқ-юлуқ фикр ҳамда тасаввурларига барҳам беради, ёзилажак мақолаларида Ўзбекистондаги ҳақиқий ҳолат ўз ифодасини топади, деб ишонамиз. Зотан, юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, деган гап ҳаммадан кўпроқ биз, журналистларга тегишлидир.

Амиркул КАРИМ, (ЎзА).

Касаба уюшмалари ҳаётидан

ИНСОН АРДОҚҚА ЛОЙИҚ

Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмаларининг ҳам масъулияти ошиб бормоқда. Чунки меҳнат жамоаларида иш ўринларини сақлаш, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг саломатлиги хусусида ғамхўрлик қилиш, дам олишларини уюштириш сингари муҳим вазифалар уюшма ходимларидан жонкуярликни талаб қилади.

— Касаба уюшмамиз аъзолари фаол ишлаб меҳнаткашлар оғирини енгил қилишмоқда, — дейди Навоий тоғ-металлургия комбинати автобазаси касаба уюшмасининг раиси А. Акобиров. — Халқ хўжалиги ютуқлари ўз вақтида манзилга етказилмоқда.

Ҳайдовчи ва чилангар-механиклар зарур ҳимоя воситалари билан таъминланган. Улар ҳар 3 ойда техника хавфсизлиги кўрик-имтиҳонидан ўтказилиб турилади. Шу сабаб фавқулодда кўнгилсизлик оқибатларининг олди олинмоқда. Жамоани ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бозор нархидан 50 фоиз арзон баҳода гўшт, картошка ва сабзавот билан таъминланаяпти.

Ҳайдовчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратилган. Сауна-ҳаммом, кутубхона, кичик томоша зали, чойхона улар хизматида. Корхона ҳудудида озиқ-овқат ва саноат моллари дукони, маиший хизмат шохобчалари ишлаб турибди. Яқинда гўшт ва сут маҳсулотлари билан савдо қилувчи дукон ишга туширилди.

Ишчи ва хизматчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Янги йил бошида 67 нафар ишчига дам олиш уйлари ва санаторийларга, 80 нафарига эса ўзларининг «Металлург» профилакторийсига йўлланма берилди. Ёзги таътил даврида автокорхона меҳнат аҳлининг юздан зиёд фарзандлари болалар оромгоҳида мириқиб дам олишади.

Шунингдек, жамоа аҳли йил давомида республикамизнинг гўзал шаҳарлари бўйлаб бепул саёҳатларга чиқишади. Айни кунларда баҳор ва поклик байрами Наврўзга тайёргарлик кўрилмоқда. Байрам арафасида ишчиларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари берилиши режалаштирилмоқда. Дошқозонларда палов, ҳалим, сумалак пиширилади. Харажатлар юз фоиз касаба уюшмаси ҳисобидан қопланади.

Р. АКБАРАЛИЕВ.

МАРКАЗЛАШТИРИШНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

Баҳор нафаси уфуриб турибди. Деҳқон ҳозирданоқ қўлга киритилажак ҳосил орзуси билан далага чиқади. Мавжуд техника воситалари ҳар қачонгидек шайлаб қўйилмоқда. Зеро, иқтисодий ислоҳотлар жадаллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини замонавий техникасиз тасаввур этиб бўлмайди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатиш соҳасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида тармоқдаги мавжуд техника паркларидан самарали фойдаланиш, ортиқча харажатларга йўл қўймаслик ҳамда ишларни бажаришнинг шартномавий тизимига ўтиш лозимлиги баён этилган эди. Бошқача айтганда, бугунги кунда техникага ҳақиқий эгалик қиладиган йирик ташкилотлар зарур бўлиб қолди. Шу мақсадда республикамизнинг Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятлари туманларида МТП — машина-трактор парклари фаолият кўрсата бошлади. Ўтган йилнинг ўзидаёқ 15 тумандаги ана шундай парклар 187 жамоа хўжалиги, 148 ширкатлар уюшмаси билан қишлоқ хўжалик юмушларини бажариш юзасидан шартномалар тузди. Машина-трактор парклари хўжаликлардан 7084 дона трактор, 429 дона галла, 270 дона шоли урадиган комбайн, 2276 пахта териш агрегати ва бошқа турдаги машина-механизмларни ижарага олди.

Механизмлар ўзининг ҳақиқий эгаларига топширилгач, аҳвол кескин ўзгарди. Жорий йилнинг биринчи январига қадар МТП кучи билан 620 миллион сўмлик ер ҳайдаш, галла ўриш, пахта териш ва бошқа қишлоқ хўжалик юмушлари бажарилди.

Яқинда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида бўлиб машина-трактор парклари амалга оширилаётган ишлар билан танишдик. Мутахассислар билан мулоқотда бўлдик:

— Машина-трактор парклари тузилишнинг ўзи бўлмади, — дейди Китоб тумани МТП директори Тоҳир РАЖАБОВ. — Биз ишни хўжаликлар вакилларидан иборат махсус комиссия иштирокида барча техника воситаларини ижарага олишдан бошладик. Уларни мавсумга шайлашда ҳукуматимизнинг 13 миллион сўм айланма маблағ ажратгани айни муддао бўлди. Натижада галла ўримйиғими даврида 78 комбайн билан 17,5 минг гектар майдондаги ҳосилни йиғиб бердик. Ҳар бир агрегатга ўртача 350 гектар галлазор тўғри келди. Машиналарни бетўхтов ишлатиш учун ҳосил эрта ва кечроқ етиладиган майдонлар ҳисобга олинди. Натижада мавсумни муваффақиятли якунлашга эришдик.

Машина-трактор паркининг афзаллиги кўп. Техника экин-зорга вақтида олиб чиқилишининг ўзи нобудгарчиликнинг олдини олишга хизмат қилади. Биз-нинг қўмагимиз билан хўжаликлар суғориладиган ерлардан 70, лалми ерлардан эса 21 центнергача ҳосил олишга муваффақ бўлди. Туман бўйича ўртача 37 центнердан хирмон кўтарилди. Муҳими, мавсумни қисқа муддатда якунладик. Долзарб паллада деҳқонларга кўнгилдагидек хизмат кўрсата олдик.

Аммо бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хўжаликларнинг техникасини ижарага олиш ва уларга буюртма асосида хизмат кўрсатиш, хуллас, МТП фаолиятини йўлга солиб юбориш осон бўлмаяпти. Узаро ҳисоб-китоб масаласига келганда маблағ танқислиги сезилиб қолди. Молиявий аҳвол мураккаблашди: хўжаликларнинг дебитор қарзлари 20 миллиондан ортиб кетди. Шунингдек, ташкилотимизнинг ҳам «Нефтебаза», иш ҳақи фонди, ҳамда таъминот базаларидан 17 миллион сўм кредиторлик қарзлари бор. Натижада механизаторларга вақтида иш ҳақи тўлаш имконини бўлмаётир.

Иккинчи муаммо: илгари хўжаликлар машина-механизмлар учун қўшимча қиймат солиғи тўламас эди. Биз эса 18 фоиз қўшимча қиймат солиғи тўлаяпмиз. Бу эса деҳқон етиштирган маҳсулот таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Учинчи муаммо: узоқ йиллар давомида ишлатиб келинаётган техника воситаларининг 90 фоизи «яшаш» муддатини ўтаган. Туман бўйича 168 ҳайдов тракторини қабул қилган бўлсак, шундан 160 таси ишга яроқсиз аҳволга келиб қолган эди. Уларни қайта таъмирлаш учун эса катта маблағ керак. Биз имкон қадар техника умрини узайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Барибир келажакда МТПлар янги техника билан таъминланиши шарт. Бунинг учун талай маблағ зарур, албатта.

Механизаторларнинг кайфияти яхши. Янгича ишлашга ўтилгач уларнинг иш ҳақи қарийб 1200—1300, галла ўрими даврида эса 3,5—4 минг сўмга етди. Шу кунларда баҳорги экиш мавсумига қизғин тайёргарлик кўряпмиз. Бу йил туман хўжаликларида 17,5 минг гектар ерга галла экилди. Пахта майдонлари эса 2600 гектарни ташкил этади. Туманимиз деҳқонлари такрорий экин экишда катта тажрибага эга. Такрорий экиндан келадиган қўшимча маҳсулот халқимизнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади. Келажакда юз фоиз такрорий экин экишга эришмоқ мумкин. Бунда янги ташкил этилаётган МТПларнинг аҳамияти янада ортади.

МТП қошидаги очиқ ҳиссадорлик жамияти устахонаси асосан таъмирлаш ишларини бажаради. Ҳайдов тракторлари учун 150 турдаги детални ўзимиз тайёрлаяпмиз. Бир йилда қарийб 500 ҳайдов тракторини таъмирдан чиқариш имкониятига эгамиз.

Дарҳақиқат, Китоб туманида Вазирлар Маҳкамасининг юқорида зикр этилган қарорини ҳаётга татбиқ этишга жиддий киришилганига гувоҳ бўлдик. Муҳими, хўжаликлар техникани созлаш, эҳтиёт қисмлар излаш ташвишидан қутулиб, буюртмачи сифатида МТП хизматидан фойдаланишади. Қолаверса, хўжаликларда енгили, эҳтиёт қисмлар билан боғлиқ ортиқча сарф-харажатларга, техниканинг худа-беҳуда ишлатилишига чек қўйилди. МТП «Хизмат бизнан ҳақни тўлаш сиздан» қабилида иш юритиб тўғри қилмоқда. Машина-механизмлар хўжалик тасарруфида бўлган даврда унинг фойда-зарарини ҳеч ким ҳисобламас эди. МТП эса хўжалик ҳисобида иш юритади, бинобарин, ҳар бир техникани ишлатиш ва хизмат учун тўланадиган ҳақ қатъий ҳисобда бўлади. Зеро, ҳукумат тадбиридан кўзланган мақсад ҳам мана шу.

Афсуски, деҳқоннинг оғирини енгил қилиш мақсадида жорий этилаётган янгиликка қарши турувчи, МТПларни ташкил этишнинг туб моҳиятини тушунишни хоҳламаётган раҳбарлар ҳам учрамоқда. Улар ўз қўлларида йиллар давомида фойдаланиб келинаётган, аслида самараси кам бўлган техникани қўлдан чиқаришдан бекўда чўчимоқда. Вазиятни, ҳамма хўжалик ҳам мавжуд техникасини тўлиқ таъмирлаб, унумли ишлата олмайди. Ҳозирги шароитда миллионлаб сум турадиган янгисини сотиб олишга ҳар кимнинг қурби етавермайди. Машина-трактор парклари эса мавжуд маблағларни бир жойга тўплаб, улардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Китобда МТПнинг техник базаси яратилаётгани ҳайрли иш бўлди. Деҳқонларга янада самаралироқ хизмат кўрсатила бошлади. Маълумки, лалми ерларда барча деҳқончилик ишлари тўлиқ техника кучи билан бажарилади. Шуни ҳисобга олиб МТП жамоаси Варганза хўжалигидан 600 гектар лалми ерни ижарага олди ва беш кун ичида ерни ҳайдаб галласини экиб берди. Тажриба тариқасида ижарага олинган бу лалми ердан эса 13 центнердан дон ҳосили олинди. Бу йил «ижарачи»лар ҳосилдорликни техника кучига таянган ҳолда 15 центнерга етказиш юзасидан хўжалик билан шартнома тузди.

Китоб туманидаги тажрибадан кўриниб турибдики, машина-трактор парклари яхши самара бермоқда. Улар агросаноат мажмуидаги улкан вазифаларни амалга оширишда деҳқонга ҳақиқий ёрдамчи бўлиб хизмат қилади. Бу фикрни янги жорий этилган МТПларда меҳнат қилаётган ишлаб механизаторлар, деҳқонлар ҳам эътироф этмоқда.

Пўлат НИШОНОВ, ЎзА махсус мухбири.

Қайта ишлаш корхоналарида

ЭЛ МАЪМУРЧИЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Бундан роса тўрт йил муқаддам ишбилармон Тухтасин Топиев 70 миллион сўм қарзи бор Фарғона консерва заводини қабул қилиб олди. Бозор иқтисодиётининг қатъий талабларига қўника олмай сармоя, хом ашё тополмасдан баъзи бир корхоналар ўз фаолиятини тақатақ тўхтатиб қўяётган бир шароитда қарзи катта меҳнат жамоаси фаолиятини ўнглашни мақсад қилишнинг ўзи мардлик, истиқлолимизга фидойилик саналади.

Хўш, бугун корхонада аҳвол қандай? Раҳбар ишлаб чиқаришни рентабелли тармоққа айлантириб, қарзларини узишга муваффақ бўла олдими? У ишни нимадан бошлади?

— Биринчи галда одамларга аҳволни ўнглаш учун четдан нажот кутмай ўзимизнинг куч-имкониятимизга таянишимиз, меҳнатга янгича ёндошиш зарурлиги тушунтирилди. Хом ашё келтирувчи ва буюртмачи истеъмолчилар билан шартномалар тузилди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини ҳаридгир қилишга оптика сарф-харажатларни камайтиришга, муҳим резервларни излаб топиб, ишга солишга эътибор кучайтирилди, — дея ҳикоя қилади директор Т. Топиев. — Масалан, консерва банкаларини бекитиш учун қопқоқларни четдан анча қимматга сотиб олардик, эндиликда қопқоқлар ва томат солинадиган тунука идишлар заводнинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда. Тажрибакор мутахассис Эркин Сайдаҳмедов бошлиқ цех ишчилари корхонанинг қопқоқ ва тунука идишларга бўлган эҳтиёжини тўла қондирмоқда. 1995 йили азаматлар бир миллиондан ортиқ қопқоқлар ва 60 минг донадан ортиқ тўққиз литрли тунука идишлар тайёрлаб беришди. Бу муҳим ишда қолиплаш дастгоҳи устаси Турдали Турсунов, Тўғунбой Турсунов, малакали созловчилар Дилмурод Муминов. Бахтиёр Мамажонов маҳорат кўрсатмоқдалар. Корхона бош муҳандиси Қодиржон Ҳотамов, бош механик Вячеслав Никитенко заводнинг йил давомида маромида ишлашни таъмиилаш учун толмай изландилар. Чунончи ярим тайёр хом ашё сақланадиган идишларни қўпайтиришди, қўшимча цистерналар ўрнатилди, таъмирлаш чоғида баъзиларининг ҳажми кенгайтирилди. Шу аснода йил давомида шарбат тайёрлаш цехини ишлатиб туришга эришилди.

Булардан ташқари ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган шарбат ва консерва цехи, томат цехи дастгоҳлари ўз кучимиз билан қайта таъмирланиб, иш жараёнлари яхшиланди, қўшимча янги дастгоҳлар ўрнатилди, меҳнат унуми анча ортди, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати ҳаридгир бўлди. Хом ашё ва истеъмол моллларининг сифати учун тўла жавобгарлик лаборатория ходимлари зиммасига юклатилди. Хуллас, қидирган имкон топар, деганларидек, амалга оширилаётган мана шу тадбирлар, корхона жамоаси олдида турган режаларнинг муваффақиятли бажарилишига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Суҳбат давомида иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидан қониқиш ҳосил қилгач, жамоанинг меҳнат шароити билан танишиш ниятида айрим цехларни кўздан кечирдик. Мана, тадбиркор, Илҳом Жураев раҳбарлик қилаётган шарбат тайёрлаш цехи, ишчи Муҳаммадали Мўйдинов цистернада қувур орқали оқиб келаётган олма шарбатини махсус идишларда қайнатиб автомат линияга узатади. Тоза ювилган банкаларга автомат дастгоҳлар олма шарбатини қўйиб, қопқоқларини беркитмоқда. Қадоқловчи ишчилар Дилфуза Тошпўлатова, Жаннатхон Сулайманова иш жараёнини кузатиб турибди. Линиядан тизилиб келаётган шарбат тўла банкаларни Шаҳзода Азимова пешма-пеш яшикларга тахлаяпти. Одамларнинг чеҳрасидан уларни ишидан мамнунлигини билиб олиш қийин эмасди.

— Цехимиз жамоаси 1996 йил режаларини қутаринки руҳда, яхши кайфият билан бажаришга киришди, — дейди цех раҳбари И. Жураев. — Жамоамиз Президент Ислом Каримовнинг республика Олий Мажлисининг IV сессиясидаги маърузасини пухта ўрганиб чиқди. Ҳужжатда «Истеъмол бозорини керакли моллар билан тўлдириш, аҳолининг эҳтиёжларини қондирадиган ва хориждан келтирилаётган моллар билан рақобат қила оладиган ўз маҳсулотимизни ишлаб чиқаришга зўр бериш зарур бўлади» дейдилар. Корхонамизда тайёрланаётган истеъмол моллари нафақат жумҳуриятда, ҳатто МДҲ давлатларида ҳам машҳурдир. Ширин-шарбат мевалардан тайёрланган консерваларни, помидор томатини хорижий фирмалар севиб харид қилмоқдалар. 1996 йилда ўтган йилга нисбатан кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдамиз...

Заводда тайёрланаётган маҳсулотларнинг харидоргир ва сифатли бўлиши кўп жиҳатдан И Г. Шавильева мудирлик қилаётган лаборатория цехи ходимлари меҳнатига ҳам боғлиқ. Улар қишин-ёзин хўжаликлардан шартнома асосида қабул қилиб олинаётган мевалар, сабзавотларнинг истеъмол учун яроқлилигини, қайта ишланган маҳсулотнинг сифатини, оғирлик миқдори ва таркибини стандарт талаблари бўйича назоратдан ўтказадилар. Бу масъулиятли вазифани катта химик Рефиқа Курбиддинова, микробиолог Светлана Николаевна Данилова, смена химиги Ўғилой Рўзалиева, лаборант Мавлуда Умарова, Малика Мирзаева виждонан бажармоқдалар. Лаборатория мудири Ирина Григорьевнанинг айтишича, кейинги уч йил давомида корхона маҳсулотига истеъмолчилар бирорта эътироз билдиришмаган, жамоа ўз номи ва шон-шуҳрати учун астойдил курашмоқда.

Заводнинг Муҳаммаджон Жураев бошлиқ иситиш цехида газ, электр энергия ва бўгдан тежамли фойдаланишга катта аҳамият берилаётир. 5 та буғ қозонидан иккитаси маромида ишлаб корхонанинг иссиқ сув ва бўгта бўлган эҳтиёжини тўла қондираётир. Қозон цехидаги барча ишларнинг саранжом-саришта, тежамли бажарилишига машинистлар Мунаввархон Ғаффорова, Сойибжон Ҳусанов, чилангар Юнусали Умурзоқов, Обиджон Мамажонов муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Хуллас, заводнинг қайси бир цехи фаолияти билан танишсангиз, ўша ерда ишчиларнинг ўз бурчига садоқати ва интизом масъулиятини яққол кўрасиз. Шунинг учун эл дастурхонига етказиб берилаётган маҳсулотларнинг тури кўп, сифати яхши баҳоланмоқда.

Корхона жамоаси мевалар ва сабзавотлардан тайёрланган 15 хил турдаги ширин-шакар консерва маҳсулотларини аввало жумҳурият ҳамда вилоятдаги савдо ташкилотларига, сўнгра Россия, Қозоғистон давлатларининг савдо фирмаларига реализация қилмоқда. 1995 йилда 144084 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди, 9285 тонна хуштаъм консервалар тайёрланди. Бош бухгалтер Адҳам Умаровнинг айтишича корхона уч йиллик қарзларидан қутулиб, 30 фоиз рентабелликка эришган. Йилни 6 миллион сўм даромад олиш билан якунлади. Даромаднинг асосий қисми ишлаб чиқариш қувватларини янада оширишга, жамоанинг моддий манфаатдорлигини кўтаришга сарфланади.

Бу йил республика мустақиллигининг бешинчи йили, соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишоланади. Бу улуғ саналар шарафига корхона жамоаси халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган хуштаъм нози неъматлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, бозорлар, савдо дуконларини арзон, харидоргир маҳсулотларга тўлдириб, халқимизни хушнуд этишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаяпти.

Р. МЕЛИБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Пискент туманидаги «Шуҳрат ЛТД» хусусий илмий ишлаб чиқариш фирмасида консерва маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Янги дастгоҳлар ўрнатилган мазкур фирмада бир кеча-кундузда минг шартли банка мева ва сабзавот маҳсулотлари консерваланмоқда. Шунингдек, сабзи мураббоси тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

СУРАТЛАРДА: цех илғор ишчилари Фарида Мўминова ва Рўзибуви Абдуллаева иш устида. 2. Тайёр маҳсулотлар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



КЎКЛАМ НАФАСИ

Хатирчи туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бўлтур тумана биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажаришган эди. Давлат қабул пунктларига 3500 тонна сифатли момиқ топширилди.

— Мўл ҳосил етиштиришимизнинг асосий омили навга жиддий эътибор берганлигимизда, — дейди колхоз раиси С. Расулов. — Ғўзанинг «С—9070», «Бухоро—6» навлари бизнинг шароитда яхши натижа берди. Тажрибали деҳқонлар И. Бердиқулов, Ғ. Ҳалимов, Ш. Хидиров, И. Имомов, М. Нортожиев етакчилик қилишаётган бригаталарда ҳосилдорлик 37-40 центнерга етказилди.

Хўжалик хазинасига тушажак ялпи даромад салмоғи ҳам чакки эмас, 62 миллион сўм. Шундан 26 миллион сўмлик зиёди нақд фойда.

Айни паллада хўжаликда кўкламга тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Техника ремонти, далага маҳаллий ўғит чиқариш авжида. Ерларнинг шўри ювилиб, яхоб сувига қонлирилган. Галла майдонлари парваришланмоқда. Бу йил ҳам чигитни замин бағрига ўз вақтида қадаб, ернинг ўз намига ундириб олсак, марра бизники. Иншоолло, эзгу ниятга Оллоҳ мададкор.

1996 20 февраль. №14.

ФЕРМЕРЛАР УЧУН КИЧИК ТЕХНИКА

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бу эса Президентимиз И. А. Каримовнинг қатор асарларида ҳамда ҳукуматимиз томонидан бу борада қабул қилинган қарорларда белгилаб берилган устувор йўналишларнинг ҳаётийлигидан далолатдир. Қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратилиши табиий ҳол. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизи қишлоқда яшаб, миллий даромаднинг 40 фоизи қишлоқ хўжалигидан келади.

Айни даврда республикамизда 22 мингта яқин деҳқон фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Кейинги 3-4 йил мобайнида кўпчилик фермер хўжаликлари катта амалий тажрибаларни қўлга киритдилар. Улар самарали фаолият юритишлари учун моддий техник ва иқтисодий шароитларни яратиб, мустаҳкам тузилмалар сифатида шаклландилар.

Ҳар бир бошланган улгуржи ишларнинг дебочасида турли муаммолар қалқиб чиқади. Ҳозирги деҳқон-фермерларимизнинг олиб бораётган юмушларини синчковлик билан таҳлил қиладиган бўлсангиз шундай муаммолар уларнинг фаолиятларида ҳам кўзга ташланади. Булар асосан деҳқончилик ва чорвачиликда ишлатиладиган машина-механизмларда намоён бўлмоқда. Аввалги даврда ишлаб чиқариш қучлари ва воситалари давлат тасарруфида бўлиб, йирик-йирик тузилмалар ташкил қилиниб, катта майдонларга муайян экинлар экилган. Бундай ҳолда экинлар экиш ва ларга ишлов бериш учун катта қувватли ва ҳажмли техникалардан фойдаланилган. Натижада тракторлар ишлаб чиқарувчи корхоналар асосан катта ҳажмдаги техника воситалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ҳозирги иқтисодий ўзгаришлар шароитида вужудга келаётган кичик-кичик тузилмаларимиз баъзан ана шундай катта ҳажмдаги техникаларни сотиб олишмоқда. Бундай ҳолатни қайд этган ҳолда кўзга ташланаётган айрим жиҳатларга ҳам эътиборни қаратайлик.

Деҳқон (фермер) хўжаликлари ва бошқа томорқа ер эгаларининг ихтиёридаги нисбатан кичик экин майдонлари, боғ-роғлар ва фермаларда катта тракторлардан фойдаланиш айрим ҳолларда ноқулайликларни келтириб чиқаради. Хусусан, ёнилғи-мойлаш материалларини беҳуда сарфлашга олиб келмоқда. Агар шу ишлар кичик ҳажмдаги тракторлар ёрдамида бажарилса, бундай кўп сарф-харажатларга йўл қўйилмаган бўлур эди. Деҳқон далага сепиш учун уруғ, ўғит ва бошқа шунга ўхшаш юкларни мавжуд бўлган МТЗ-80, ТТЗ-28 ва бошқа транспорт тракторлари билан ташимоқда. Бундай тракторларда бир соат иш давомида 7-8 литр ёнилғи сарф қилинади. Бундай ишларни мини тракторлар орқали ҳам амалга оширса бўлади. Бундай тракторлар эса бир соат иш жараёнида 2,5-3 литр ёнилғи сарфлаши билан жуда аҳамиятлидир. Муайян ишларни катта тракторлар ёрдамида бажариш натижасида фақат ёнилғининг ўзидан 2-3 баробар ортиқча сарфлашга тўғри келмоқда. Бу эса деҳқонларнинг даромадига салбий таъсир кўрсатаяпти. Айниқса, ёнилғи-мойлаш материалларининг танқислиги, дунё миқёсидаги нархининг баландлиги ва уни энг ноёб ҳом ашё эвазига алмаштириб келтирилаётганлиги мамлакат иқтисодиётини қўтаришда жиддий бир қийинчилик бўлиб турибди.

Шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган техника воситаларнинг нархлари бошқа чет элларда ишлаб чиқарилаётган мини тракторларнинг нархларидан бир неча баробар қиммат. Ҳар бир сўм тежаб фойдаланилаётган ҳозирги пайтда деҳқон-фермерлар учун кўпроқ кичик ҳажмдаги техникалардан фойдаланиш эҳтиёжини туғдирмоқда.

Катта тракторлардан чорва фермаларида фойдаланишда ҳам анча ноқулайликлар юзага келади. Натижада ортиқча қўл кучи ёки от-аравалардан ва бошқа воситалардан фойдаланишга тўғри келмоқда. Бу эса қўшимча сарф-харажатларни келтириб чиқармоқда. Мини тракторлар эса кичик майдонларда, боғ ва такзорларда, иссиқхоналарда ҳамда молхоналарда ҳам ишлатиш учун жуда қулайдир.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, кичик тракторлар ёрдамида ер ҳайдаш, экин экиш, қатор ораларига ишлов бериш, ўрим-йиғим ишларини бажаришда йирик тракторлардан қолишмайдиганлари мавжуд. Ривожланган мамлакатларнинг ишбилармонлари бундай тракторлардан самарали фойдаланишмоқда.

Баҳорги экиш-тикиш мавсуми яқинлашиб келмоқда. Бободеҳқонларимиз ушбу мавсумга алоҳида тараддуд қилишади. Ерларни оби-тобига келтиришади. Мавжуд техникаларни созлаб, шай ҳолатга келтиришади. Ҳозир қўпчилик техникалар хизмат муддатларини ўтаб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Янги тарторларнинг ўртача нархлари 600-750 минг сўмни ташкил этмоқда. Шу боис юқорида қайд этганимиздек, 7-8 баробар арзон кичик техника деҳқонлар учун жуда муҳимдир.

Айрим деҳқон (фермер) хўжаликларимиз мини тракторларни сотиб олишдан иккиланиб, аввалдан ўрганиб қолганлиги боис кўпроқ катта тракторларга кўз тикишади. Кичик ва арзон мини тракторлар ҳали турмуш тарзимизга, меҳнат фаолиятимизга чуқур кириб бормаганлиги сабабли баъзи деҳқонларимиз шундай қулай тракторлар мавжудлигидан бехабар ҳам бўлиши мумкин. Агар биз ривожланган Ғарб мамлакатлари ва Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилаётган шундай кичик тракторларни қишлоқ хўжалигига дадил олиб кирсак, катта иқтисодий самарага эришишимиз шубҳасиз. Хитой Халқ Республикасидан 200 та шу каби кичик тракторлардан келтирилиб, деҳқонларга сотилган эди. Бу тракторлардан айни даврда самарали фойдаланилмоқда. Шу сабабдан «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси республика «Бизнес-фонд» ташкилоти билан ҳамкорликда Синцзянда ишлаб чиқарилаётган шундай техникалардан оммавий равишда республикамизга келтириш чораларини кўрмоқда. Бу билан деҳқон (фермер) хўжаликларимизнинг бир қисми ихчам, қулай ва арзон техникаларга эга бўлиб қолишади. Зеро, кам харж қилиб, катта фойдани кўзлаб иш тутиш давримиз мезонидир.

Абдулла МАДАЛИЕВ,
«Ўзтехчорвасервис» республика бирлашмаси бўлим бошлиғи.

Мулоҳаза ва таклиф

Қишлоққа келдингми, техникани яхши бил, деган гап бежиз айтилмаган. Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги «Янгиқўрғон» деҳқон фермерлари уюшмаси механизатори Ҳамидулла Эргашев ана шу шиорни кундалик каломига айлантириб олганлардан. 12 йилдирки, у хўжаликдаги барча техника ишларини сидқидилдан бажариб келади. Шунинг билан бирга ёш механизаторларни техникадан унумли фойдаланишга, эҳтиёт қисмларни авайлаб-асрашга даъват этади.

СУРАТДА: хўжаликнинг илғор механизатори Ҳ. Эргашев.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ЎЗИНГДА БОРИГА НИМА ЕТСИН...

Зоминдаги пахтакор хўжаликлар ўзлари етиштирган пахта хом ашёсини қайта ишлаш учун илгарилари олис йўл босиб, қўшни районлардаги пахта тозалаш заводларига элтиб топширишарди. Эндиликда улар бундай ортиқча кийинчиликлардан халос бўлдилар. Зоминликлар ўзларининг пахта тозалаш корхонасига эга бўлишди. Шу районнинг «Шарқ юлдузи» деҳқон (фермер) хўжалиги ҳудудида янги пахта тозалаш заводи қад кўтарди. У бир йилда 20000 тоннагача пахта хом ашёсини қабул қилиб олиб, қайта ишлаш қувватига эга. Янги корхонани Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртмасига кўра «Жиззах қурилиш монтаж бошқармаси» қурувчилари ўз муддатида тиклаб, фойдаланишга топширишди. Бугунги кунда корхона бағрида 150 нафар атрофида ишчи-хизматчилар қизин меҳнат қилишмоқда. Улар пахта ҳосилини авайлаб-асраб, нест-нобуд қилмасдан қайта ишлашга астойдил киришганлар.

Янги корхона жамоаси ишлаб чиқарган тола тойлари Германия ва Болтиқбўйи мамлакатларига жўнатилмоқда. Жамоа бу мамлакатларга 2000 тонна тола юборди. Ажратиб олинган пахта чигити эса Янгийўл ёғ-мой комбинатига жўнатилмоқда.

Корхона директори Омонқул Жўраевнинг сўзларига қараганда янги жамоанинг муаммолари ҳам анчагина. «Чунончи, лаборатория, ошхона биноларини қуриб битказиш, юк машиналари, техник жиҳозлар сотиб олиш керак, деди у, — меҳнат қилиб, даромадни кўпайтириб, бу қийинчиликларни, албатта, бартараф қиламиз. Ҳамма мушкулларимизнинг кўпчилиги ҳалол меҳнатда, деб биламиз».

Саъдулла ҚОЗОҚОВ.

ХУШХАБАРЛАР

ДАРЁ ТУБИДАН ГАЗ КЕЛДИ

Ҳазорасп тумани «Чингизтепа» тарихий ёдгорлиги яқинида вилоятга дарё туби орқали газ қувури ўтказиш ишлари ниҳоясига етди. Бу мураккаб инженерлик иншоотининг муваффақиятли қурилиши натижасида Хоразм газ билан узлуксиз таъминланадиган бўлди. Лойиҳа ижрочилари бўлган америкалик шериклар иккинчи қувурни уч ой мобайнида ўтказишини таъминлади. Улар бунинг учун зарур техника, асбоб-ускуналарни ҳам келтиришди.

СИФАТ КАФОЛАТИ БИЛАН

Термиз пахта тозалаш заводи январь ойида 960 тонна тола ишлаб чиқариб, бу борада белгиланган режани ошириб бажарди. Толанинг ярми шартномага биноан Англия, Швейцария каби давлатларга жўнатилди. Шуниси қувончлики, Термиз пахта тозаловчилари маҳсулотини олаётган мамлакатлар унинг сифатига эътироз билдираётгани йўқ. Шунга яраша олинаётган фойда ҳам кўпаймоқда.

Айни пайтда шаҳар ўртасида жойлашган бу корхонада атроф муҳит мусаффолигини таъминлаш мақсадида қайта ишлаш технологияси янгиланмоқда. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш, моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Жаҳон тадбиркорлик тажрибасидан

Узбекистон мустақиллиқни қўлга киритгач, ўз тараққиётида янги босқичга бошланди. Кўп йиллар давомида собиқ Иттифоқка хом ашё етказиб берувчи аграр жумҳурият, бугун ривожланиш йўлларига дадил чиқиб олмоқда.

Юртимиз ниҳоятда бой. Лекин халқнинг турмушини фаровон қилиш, иқтисодини юқори чуққиларга олиб чиқиш учун жуда кўп ишларни амалга ошириш лозим. Узбекистон бу борадаги тараққиёт режаларини белгилашда ривожланган мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар тажрибасидан кенг фойдаланаётир.

Жаҳон иқтисодиётининг тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай мамлакат иқтисодининг ривожи унинг жаҳон иқтисодиёти билан қўшилишига, уларнинг ортирган бой тажрибаларидан қай даражада фойдалана олишига боғлиқдир. Республика Президенти И. А. Каримов сайёҳаракатлари туфайли бизнинг мамлакатимиз Жаҳон банкига аъзо бўлди. Уша кундан бошлаб банк қошидаги Иқтисодий ривожлантириш институти республика иқтисодининг қатор йўналиши бўйича ўз тадбирларини амалга оширмоқда. Бу даргоҳ 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳар йили иқтисодиётнинг 15 тармоғини ўз ичига олувчи 100 дан ортиқ тадбирларни амалга ошириш дастурига эга. Шунингдек, у бир қанча йўналишлардаги илмий-текшириш ишларини турли семинарлар ва таълим курсларини ташкил этиш билан қўшиб олиб бораяпти. Йўналишлардан бири — бу миллий иқтисодни бошқариш, иқтисодиёт тизимини ўзгартириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этишдир. Бунда асосий эътибор қабул қилинган дастурни молиявий, ижтимоий, сиёсий ва экологик талабларга жавоб беришини таъминлашга қаратилади.

Иккинчи асосий йўналиш — иқтисодий тараққиётни бошқаришга бўйсундирилган. Бунда ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим масалалар жумласига давлат харажатларини режалаштириш ва бюджетни бошқариш, нархни ҳосил этиш, давлат буюртмасининг қай даражада белгилаш муаммолари киради. Яна муҳими — давлат хизматини ислоҳ қилиш лойиҳаларини таҳлил этиш ва бошқарув масалаларидир.

«Саломатликни сақлаш, озиқ-овқат ва демография» йўналишида эса даволаш масканларини молиявий ва дори-дармонлар билан таъминлаш, аҳоли сонининг кўпайишини ўрганиш, қашшоқликка қарши кураш дастурини ишлаб чиқиш масалалари ўрганилади.

Яна бир йўналиш таълим-тарбия масалаларини ўз ичига олади. Булар жумласига умумий таълим савиясини ошириш, олий таълим масканларини молиявий таъминлаш, ўқув қўлланмалари яратиш, ўқитувчиларнинг моддий аҳволини яхшилашдан иборат.

Шунингдек, мазкур институтнинг олиб борадиган ишлари сирасига сув таъминоти ва чиқит сувларни зарарсизлантириш, транспорт, шаҳар тараққиёти, қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар, саноат тизими ва энергетика соҳалари киради.

Иқтисодиётни тараққий эттиришни таъминлашдаги энг муҳим омилларидан бири бу малакали мутахассис кадрлардир. Аммо уларни тайёрлаш ҳам осон иш эмас. Чунки бозор иқтисодиёти ўзига хос янги илмларни ўрганишни тақозо қилмоқда. Бу илмларни ўргатишда, ўрганишда, ўқитишда ўқув қўлланмаларининг камлиги, ўз она тилимизда эса деярли йўқлиги ишга ғов бўлмоқда.

Иқтисодий ривожлантириш институтининг республикамизда олиб бораётган хайрли ишларидан бири «Қишлоқ хўжалигида инвестиция лойиҳаларининг таҳлили» муаммоларига бағишлаб ўтказилаётган семинарлардир. Улар Тошкент давлат аграр университети билан Иқтисодий ривожлантириш институтининг регионал маркази ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Кейинги бир йил давомида учта семинар ташкил этилиб, унга асосан қишлоқ хўжалиги тизимидаги вазирликлар ва банк мутахассисликлари ҳамда олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таклиф қилинди. Семинарларни ўтказишдан асосий мақсад — инвестициялар лойиҳасини тузиш, қишлоқ хўжалигига ажратилаётган сармояларнинг устивор ва самарали йўналишларини аниқлаш ва бу жараёнга Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методикани қўллашдан иборат. Узининг 50 йиллик фаолияти давомида Жаҳон банки бу борада бой тажриба тўплаган бўлиб, семинар давомида тингловчилар мавжуд инвестиция лойиҳаларини тузиш асослари, молиявий, техник, экологик ҳамда социал йўналишларни таҳлил қилиш усулларини чуқур ўргандилар.

Мазкур йиғин икки босқичда ўтказилянти. Биринчисида унинг қатнашчилари инвестиция лойиҳалар таҳлилининг назарияси жиҳатларини ўрганадилар. Сўнг олган билимлари асосида Тошкент вилоятидаги «Олга» хўжалигида инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Муҳими, мазкур ҳужжат Жаҳон банки томонидан маъқулланиб, бошқа давлатларда Иқтисодий ривожлантириш институти томонидан ташкил этиладиган семинарларда ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланишга тавсия этилди.

Семинарларда фаол қатнашиб, якуний тест-синовларидан муваффақиятли ўтган тингловчиларни чет эл мамлакатларига юбориб, улар малакасини ошириш қўсида тутилган. Биринчи йиғин якунига кўра етти нафар тингловчи Мисрга бориб Қоҳира ҳамда Александрия университетларида таҳсил олишди. У ерда «Мариота» лойиҳаси билан яқиндан танишишди.

Регионал Марказ томонидан лойиҳалар таҳлили бўйича инструктор ўқитувчилар тайёрлашга доир уч босқичдан иборат семинар ҳам ташкил этилди. Унинг қатнашчилари уч ҳафтадан иборат иккинчи босқичини Вашингтондаги Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожлантириш институтида ўтказиб қайтишди. Бўлиб ўтган биринчи босқичда тингловчилар макро ва микро иқтисодиётнинг назарий асосларини мукаммал ўргандилар. Вашингтонда П. Гитенгер, П. Миллер, В. Баранников, П. Хароу ва Навбаҳот каби профессорлар томонидан лойиҳалар таҳлилининг иқтисодий-молиявий, экологик йўналишлари ҳамда компьютер дастурлари бўйича маърузалар тингладилар ва амалий машғулотлар олиб боришди. Шунингдек, тингловчилар АҚШнинг Мерелен университетида ҳамда бир қанча фермер хўжаликларида бўлиниб, уларнинг иш жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

Лойиҳалар таҳлили бўйича бўлиб ўтган семинарнинг иштирокчилари негизида Тошкент давлат аграр университети қошидаги марказда «Консалтинг» гуруҳи ташкил этилди. Унинг асосий мақсади республикамизнинг барча тармоқларига кириб келаётган чет эл инвестицияларининг устивор ва самарали йўналишларини аниқлашда фирма ва ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Ушбу Марказ Канада қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари маркази билан ҳамкорликда илмий изланишлар ўтказиш бўйича шартнома тузди. Шунга кўра қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш, пайчиликка асосланган турли мулк шаклларини жорий қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш муаммолари кенг ўрганилади. Марказ амалий ёрдам кўрсатиш ва илмий изланишлар олиб бориш учун барча имкониятга эга. Зарур бўлган адабиёт ва илмий маслаҳатлар Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожлантириш институти томонидан таъминланмоқда. Марказда лойиҳалар таҳлили учун зарур бўлган адабиётлар ва методик қўлланмалардан ташкил топган кутубхона мавжуд. Ундан барча хоҳловчилар фойдаланиши мумкин.

Бир йил давомида ташкил этилган семинарлардан йиғилган тажрибалар шуни кўрсатдики, биз бу борадаги ишларни нафақат Жаҳон банки ҳомийлигида, аввало, ўз кучимиз, бор имкониятларимизни ишга солиб, амалга оширмогимиз мумкин. Зеро, республикамизга кўплаб малакали кадрлар керак. Шуларни назарда тутиб, семинар машғулотларида ўқилган барча маърузалар магнит тасмаларига тушуриб олинди. Улардан профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар бемалол фойдаланишлари мумкин. Боз устига, жойларда «бизнес мактаблари»ни ташкил этиш бўйича ҳукумат қарорлари ҳам мавжуд. Шундай экан, иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган малакали кадрлар тайёрлаш ишига бор куч-ғайратимизни сарфлашимиз лозим. Инвестиция лойиҳалари таҳлилини дунё андозалари даражасида амалга оширмоққа қодир мутахассисларнинг мавжудлиги эса республикамизга чет эл инвестицияларининг кўплаб олиб киришдек ҳайрли ишга хизмат қилади.

Саидасрор ҒУЛОМОВ,
ТошДАУнинг агробизнес ва менежмент кафедраси мудири.

ТУРҚИ БУЗУҚДАН ХУЛҚИ БУЗУҚ ЁМОН

Кейинги пайтларда республикамизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати бошқармаси раҳбарияти, вилоят ва туманларда шу ишга масъул ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили Хоразм вилоятида йўл-транспорт ҳодисалари аввалги йилга нисбатан 19 фоизга камайганлиги қувончлидир. Агар раҳбар маҳоратли, тадбиркор, қўл остидагиларга талабчан ва меҳрибон, эли-юртини жонидек суйгучи бўлса, бундай жамоада тартиб-интизом мустаҳкамланиб, ишлар олға босаверади. Вилоят ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Амин Раҳимович ТОЖИЕВ билан махсус мухбиримиз суҳбатлашиб, ибратли тадбирлар ва бажаришни ният қилиб кўнгилга туккан режалар ҳақида сўради.

— Амин ога, қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий билим даражасини ошириш борасида қандай тадбирлар ўтказилмоқда?

— Дарҳақиқат, давлатнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам бўлганда унинг келажаги ҳам буюк бўлади. Фуқароларнинг ҳуқуқий билим даражасини ошириб бориш эса бу вазифани тезроқ ҳал этишнинг муҳим омилларидандир. Ходимларимиз автокорхоналарда, ташкилотларда, ҳиссадорлик жамиятлари ва жамоа-ширкат хўжаликларида, халқ таълими муассасаларида ўтган йилнинг ўзида мингта яқин учрашувлар ўтказишди. Ўзаро мулоқотларда шу нарса маълум бўлдики, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, республикада амал қилаётган йўл ҳаракати тартиб-қоидаларига риоя этиш, бахтсиз транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида ҳали талайгина ишларни бажаришга тўғри келади. Аҳоли ўртасида йўл ҳаракати тартиб-қоидаларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ДАН ходими ўзига бириктирилган автокорхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоаларининг ҳузурига бориб юзма-юз мулоқотда бўлишмоқда. Меҳнаткашларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарибгина қолмай, транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни белгиланган тартиб-қоида доирасида ҳал этишга қўмаклашмоқдалар. Куни кеча «Хоразмтранс» вилоят ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида автокорхоналарнинг раҳбарлари, муҳандис ва инженер-техниклари ўртасида катта тадбир бўлиб ўтди. Йўловчилар ташиш билан боғлиқ бир қанча муаммолар ечимини топганидан ўзимиз ҳам хурсанд бўлдик.

Тарбиявий ва таъсирий чораларни мактабларда кўпроқ олиб бориш яхши натижа бермоқда. Ўтган йили 506 та мактабда йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш бўйича олиб борилаётган ишларни назорат тартибида ўрганиб чиқдик. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш тадбирларини кўрдик. Болалар билан боғлиқ ҳар бир йўл-транспорт ҳодисаси мактаб ўқувчилари ва жамоаси ўртасида алоҳида-алоҳида муҳокама этилмоқда. Ҳар чоракда вилоят халқ таълими бошқармасига болалар билан боғлиқ бўлган бахтсиз йўл ҳодисалари тўғрисида ва уларнинг олдини олиш бўйича таклиф ва тақдимномалар киритилмоқда. Бизда бир анъана бор. Вилоят халқ таълими бошқармаси ва ёшлар уюшмаси ҳамкорликда ёш инспекторлар отрядларини тузганмиз. Уларнинг фаолиятларини кенгайтириш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқдамиз. Ўтган йили Янгиариқ районидаги Абдулла Қодирий номли ўрта мактабнинг ёш инспекторлари республика «Яшил чироқ» мусобақасининг голиби бўлдилар. Улар Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган ёш инспекторлар беллашувида ҳам фахрли иккинчи ўринни эгалладилар. Республика Ички ишлар вазирлиги ДАН бошқармаси ва Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғаларини олишди.

Биз болалар боғчаларида ҳам йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини ўргатиш машғулотларини ташкил этиш жуда ҳам зарурлигига амин бўлдик. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди.

— ДАН ходимлари томонидан жиноятчиликка ва унинг энг жирканчи бўлмиш гиёҳвандликка қарши кураш натижалари ҳақида сўзлаб бersангиз.

— Ким бўлишидан қатъий назар, милиция сарпосини кийганидан сўнг у жиноятчи унсурларга қарши курашга бурчлидир. Президентимиз И. Каримов Қашқадаре ва Самарқанд вилоятлари халқ депутатлари Кенгашларида сўзлаган нутқларида ҳуқуқ тартибот органлари зиммасига долзарб вазифалар юклади. Жумладан, гиёҳвандликка қарши кураш, республикамиз молдий-товар бойликларини четга чиқиб кетишининг олдини олиш ва жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши қатъий курашиш бўйича аниқ курсатмалар берилди.

ДАН ходимлари ҳам бундан тўғри хулоса чиқариб, ишларида сезиларли ўзгаришлар қилдилар. Масалан, алоҳида рота йўл-патруль хизмати инспектори милиция старшинаси Ражаб Раҳмонов Боғот тумани ҳудудида Ж63-79Х3 давлат рақамли ВАЗ-2106 маркали автомашина ҳайдовчиси Карим Тожиевни тўхтатиб текширганида, унинг ёнида 296 грамм наркотик модда борлиги аниқланди. Қурилган тезкор чора натижасида К. Тожиевнинг уйидан яна 454 грамм гиёҳванд моддаси топилди.

Урганч тумани С. Қаландаров номли жамоа хўжалиги клубидан иккита гилам, иккита телефон аппарати ва битта телевизор ўғирланганлиги хабар қилинди. Туман ДАН бўлинмаси суриштирув инспектори, милиция капитани Ҳасанбой Эшжонов иштирокида олиб борилган қидирув натижасида ўғри қўлга тушди. У шу жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи Бозорбой Аллаберганов бўлиб, қилмишига яраша жазоланди. 1995 йил 27 декабрга ўтар кечаси номаълум шахслар томонидан Хонқа тумани Ал-Хоразмий номли жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи Шуҳрат Юсуповнинг уйидан 400 килограмм гуруч ўғирланди. Бу ўғирликни очишда ҳам туман ички ишлар бўлими ДАН гуруҳи алоҳида ўрнак кўрсатди.

Умуман, Давлат автомобиль назорати ходимлари иштирокида жами 134 та турли жиноятлар фош этилди. Куни кеча Ҳазорасп тумани ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаси содир этган ҳайдовчини аниқлаш борасида катта ишни амалга оширдик. 9 февраль куни тахминан кечки саккизларда Урганч — Бухоро автомобиль йўлининг Ҳазорасп тумани А. Ёқубов номли жамоа хўжалиги 70-бригаласи ҳудудида номаълум автомашина 1974 йилда тўпилган шу райондаги «Эркин» жамоа хўжалиги 5-бригадасида яшовчи ишчи Муҳтор Хўжаниёзовни уриб кетган. Айблануви жабрдийдага ёрдам кўрсатиш ўрнига воқеа содир этилган жойдан қочиб қолган. Ҳеч ким хабар олмаган, Муҳтор Хўжаниёзов бевақт ҳаётдан кўз юмади. Унинг жасадини кеч соат 23 ларда йўлдан топиб кетаётган бир киши қўриб қолади ва у ҳақда ички ишлар бўлимига хабар беради. Воқеа жойи кўздан кечирилганда айрим ашёвий далиллар топилди. Ушбу ҳолат бўйича ўтказилган тезкор қидирув ишлари икки кун давом этди. 48 соат вилоятдаги барча Давлат автомобиль назорати ходимлари ором олмасдан тинимсиз қидирув ишларини олиб бордилар.

Энг ачинарлиси шуки, тиббий экспертизанинг хулосасига кўра, вақтида биринчи ёрдам кўрсатилиб, касалхонага олиб борилганида М. Хўжаниёзовнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин экан. Ушбу жиноятни очишда Ҳазорасп тумани ички ишлар бўлими ДАН гуруҳи бошлиғи, милиция капитани Бахтиёр Қурбонов, йўл назорат хизмати инспектори Қаландар Собиров, туман ички ишлар бўлими жиноят-қидирув тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Равшан Рўзматов, тергговчи Шавкат Қурбонов ҳамда вилоятдан масхус ёрдамга юборилган алоҳида рота командири милиция майори Аҳмаджон Бекжоновлар жонбозлик курсатдилар.

Товар-моддий бойликларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш бўйича 35 та факт аниқланди. Жами 517 минг сўмлик ва 8,1 минг АҚШ доллари миқдоридаги товарлар чегарада қайтариб қолинди.

— Транспорт ҳайдовчилари спиртли ичимлик ичиб руля ўтириш ҳоллари учраб турибди. Айтинг-чи, бу борада қандай таъсирчан чоралар бор?

— Муқаддас Ҳадисларимизда барча ёмонликларнинг калити ичкиликдир, деб бежиз айтилмаган. Спиртли ичимлик ичилгач, ҳушсизлик йўқолиши табиий. Бахтсиз ҳодисаларнинг талайгинаси ичкилик оқибатида бўлаётгани билан асло муросa қилолмаймиз. Ўтган йили транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган 13 та факт аниқланди. Бунда 5 киши бевақт ҳалок бўлган, 15 нафари эса турли даражада тан жароҳати олган. Спиртли ичимлик ичиб руля ўтирган 2249 нафар ҳайдовчилар аниқланди. Энг ачинарлиси, улардан 489 нафарида, ҳатто ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳам йўқ. Суд органлари томонидан 1690 нафар маст ҳайдовчига чора қурилиб, улардан 131 таси автотранспорт бошқариш ҳуқуқидан турли муддатларга маҳрум этилди. Қолганига эса катта миқдорда жарима солинди.

Шу йил февраль ойининг биринчи ярмидаёқ вилоят бўйича 55 та маст ҳайдовчи аниқланди. Мусулмончиликда энг муқаддас ҳисобланмиш рўза кунлари инсоф-диёнатни қалбига жо қилиб, Яратгандан ўз гуноҳларини кечиришни сураш ўрнига, ичиб олиб руля ўтирганлар номини қандай тилга олишга ҳайронсан, киши. Алҳазар, улар орасида кўпчиликка ибрат бўладиган раҳбарлар ҳам учраб турибди. Ҳива шаҳридаги қурилиш корхонаси муҳандиси Мақсуд Отабоев, Ҳива тумани матлубот жамияти ходими Отабек Худойберганов, Урганч туманидаги С. Қаландаров номли жамоа хўжалигида муҳандис бўлиб ишловчи Отабой Отахонов нафсининг қўйига тушиб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб руля ўтирганлар. Домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма дегандек, ўзлари ичкиликка ҳам ишлатса бўлади чоғи. Ҳива туманидаги Садриддин Айний номли ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишловчи Қўзибой Матеқубов, Гурлан тумани 9-сонли мусиқа мактаби ўқитувчиси Эркабой Ўразметовлар ҳам ичкиликбозлик оқибатида шармандa бўлишди.

— Ёшулли, кўпчилик транспорт воситаларини олиб қочиш ҳоллари камайганидан хурсанд бўлишмоқда.

— Ҳа, ўтган йили вилоят бўйича транспорт воситаларини олиб қочиш ҳоллари олти марта содир этилди, холос. Негаки, мустақил мамлакатимизда қонуниийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик принципларига асосланган Узбекистон Республикасининг янги жиноят кодекси қабул қилингач, жиноятнинг бу тури кескин камайди. Чунки кодексда транспорт воситасини олиб қочганлик учун жазо чоралари кескин кучайтирилганлиги айни муддао бўлди.

Шу ўринда вилоят ҳокимияти, ички ишлар бошқармаси раҳбарлари бўлимимизни замонавий асбоб-ускуналар, техника воситалари билан таъминлашда катта ғамхўрлик кўрсаётганлигини мамнуният билан алоҳида таъкидлашни истайман.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ДАН ходимлари ҳудудимизда техника воситаларини хавфсиз ҳаракатини таъминлаш, меҳнаткашларнинг манзилларига бехатар, омон етиб боришларини назорат қилишда изланавердилар.

Суҳбатни республика Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати бошқармаси «Матбуот-автоклуби» аъзоси Дилмурод КИРҒИЗБОЕВ ёзиб олди.

БИЛИМ ВА АМАЛИЁТ— ЭГИЗАК

РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК!

Тарихдан маълумки, ҳар бир миллат ва ҳар бир юртнинг хурсандчилик қиладиган кунлари бор.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Мадина шаҳрига келганларида билдиларки, шаҳар аҳолиси бир йилда икки кун байрам қилар экан. Шунда Расулуллоҳ сўрадилар: «Бу қандай кун эканки сизлар хурсандчилик қилаётибсизлар» дедилар. Улар: «Биз исломдан аввал ҳам шу кунларни ўйин-кулги билан ўтказар эдик», — дедилар. Шунда Расулуллоҳ: «Аллоҳ таоло бу икки кунингизни ўрнига ундан ҳам яхшироқ кунларни, яъни Қурбон ҳайити куни ва Рамазон ҳайити кунларини сизларга инъом этгай», — дедилар.

14 асрдурким, бу ҳайит кунлари барча мусулмон оламида нишонланиб келади. Тангрига минг бора шукрки, Ватанимиз мустақил бўлди, ҳукуматимиз бу икки улуғ айёмларни дам олиш куни деб эълон қилди. Натижада Узбекистонда яшаётган барча мўмин-мусулмонлар бу кунларни шоду хуррамлик билан кутиб олиб ҳайит намозини ўқийдилар, хурсандчилик қиладилар.

Рамазон ҳайити — дунедаги барча мўмин-мусулмонларнинг орзу ниятлари, иймон-эътиқодлари бир-бирига монанд буладиган муборак кундир. Унда руза ойи кечаларининг савобини Ҳақ таолонинг ўзи ваъдасига биноан бандаларига беради.

Аллоҳ Ҳақ Субҳанаҳу ва таоло ўзи яратганларидан баъзиларини танлаб, афзал қилиб қўйган. Одамлардан Муҳаммад Мустафо Салоллоҳу Алайҳи вассаламни, Ердан Маккаи мукаррамани ва Мадинаи мунавварани, Қуддусу шарифни, йилнинг ойлари ичида Рамазон ойини, ҳафта кунлари ичида Жума кунини, кунлардан арофат кунини, тунлардан «Лайлатул Қадр» кечасини ва яна бу ой ва кунлардаги ибодатларда чексиз савоб ато этганини таъкидлайди.

Саҳобалардан ҳазрати Анас ибн Молик пайғамбаримиздан ривоят қилишича, Расулуллоҳ: «Шу икки ҳайит кунларида тоза ва чиройли либослар кийиб, соч-соқолни тартибга солиб, хушбўй нарсалардан сепиб олиш керак» дея буюрганлар.

Ҳайит кунлари мусулмонлар бир-бирларини табрикламоқлари, узоқ-яқин қариндошлари, биродарларидан хабар олмоқлари, отаонани зиёрат қилиб, уларни ҳайит билан табриклаб кўнгилларини кўтариб дуоларини олишлик энг яхши фазилатлардан ҳисобланади.

Аллоҳ таоло барчамизни ўз ҳидоятига бошласин. Омин. Моҳи Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин!

Муҳаммадбобур ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг бўлим бошлиғи.

САВОБЛИ ЮМУШЛАР

Ҳайит кунлари ҳар бир мўмин-мусулмон эрта билан туриши, ювиниши, тозаланиши, яхшироқ кийинган ҳолда хушбуй бўлиши суннатдир. Эрта билан ҳайит намозига боришда катта ҳайитда оғиз очиқ ҳолда, кичик ҳайитда эса ёпиқ (кечқурун ётар олдидан оғиз ёпилиб, ҳайит намози ўқилиб бўлингандан сўнг очилади) ҳолда борилиши керак. Масжидга боришда эртароқ, яёв, узоқроқ йўлдан юриб борилиши, қайтишда эса яна бошқа йўлдан қайтиш жоиз.

Ҳайит кунлари кишининг чиройли очиқ, шод-хуррам бўлиб юриши керак. Бу кунларда ота-она, ога-ини, дўст-биродарлар ва катта ёшдагиларни зиёрат қилиш, фақир ва мискинларга ёрдам бериш, хасталарни бошқа кунлардагидан яхшироқ йўқлаш савоблидир. Савобли юмушлар қувончи фароғатли бўлгай.

Ҳайит намозига боришни ният қилган шахс масжидга эртароқ келиб, икки ракат бомдод намозининг фарзини жамоа билан ўқиса жуда савобли бўлади. Бомдод намози ўқилиб бўлингач, ҳайит намозининг ўқилиши кутилади. Шундан сўнг масжид имоми ҳайит намозини бошлайди. Бунда ҳамма намозга келганлар: икки ракатли ҳайит намозини ўқишга ният қилдим» дея ушбу имомга иқтидо қилган ҳолда муқаддас Қибла томонга юзланади. Саловат тамом бўлгач, имом томонидан тиловат қилинади-да, ҳамма имомга эргашган ҳолда ўнг ва чап томонларга қараб алоҳида-алоҳида: «Ассалому-алайкум ва Раҳматуллоҳ», — деб салом берилади. Сўнгра намознинг дуолар қисмига ўтилади. Бунда: имом томонидан хутба ўқилади, хутбадан сўнг «такбири-ташриқ».

Имомнинг қилган дуоларини (намозга қатнашганлар) «омин» деб қувватлаб турганлар икки баравар савобга эга бўлади.

Энг сўнгида имом «Қуръони карим»дан тиловат қиладида, бунинг савобини бу дунёдан ўтиб кетган мўмин-мусулмонларнинг руҳларига бағишлайди. Шундан сўнг «дуоий жамоа» ўқилади. Жамоа дуоси бўлгач, ҳайит намози тамом бўлган ҳисобланиб, шахслар ўнг томонларидан бошлаб саломлашиб бир-бирларини ҳайит намози (байрами) билан муборакбод этадилар ва бир-бирларига эзгу-ниятлар тилайдилар.

Азиз ва муҳтарам биродарлар! Сизларни мустақил юртимизга кириб келган Ийд Рамазон байрами билан муборакбод этиб, тинчлигимизга сиҳат-саломатлик, руҳингизга равшанлик, узоқ умр, файзли иймон ато этиб, дилингиздаги барча эзгу ниятларингизни ижобатга олинишини Аллоҳ таолодан тилаб қоламиз.

Шоилёс ШОҲАЙДАР ўғли.

МИТТИ ТЕГИРМОН

Тегирмон... бу қадимий қурилма янги даврни бошидан кечирмоқда, десак жоиз. Узбекистон Фанлар академиясининг электрон институти мутахассислари — физика-математика фанлари номзоди Султон Азизов бошчилигидаги ходимлар мавжуд тегирмонлар туркумини яратдилар. Янги ихтиронинг ҳажми бор-йўғи 5 квадрат метр майдонни эгаллайди. Баландлиги 2,7 метрдан ошмайди. Бир соатда у 250 килограмм донни ун қилиб бера олади. Бошқа тегирмонлардан фарқли ўларок галладан 90 фоиз ун чиқаради. Митти тегирмонда тортилган ун хосиятли, таркибидаги фойдали бирикмалар тўла сақланиб қолган бўлади. Муҳими, ишлаш усули содда, лекин серунум. Бу янги тегирмон нафақат республика жамоа хўжаликларида, балки мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам ўз харидорларини топмоқда.

И. ШЕРМУҲАММЕДОВ.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Энг чаққат сартарош сифатида Буюк Британиянинг Хернибей шаҳрилик Дени Роув тан олинган. У 60 дақиқа ичида устарада 1994 кишининг соқолини қиртишлаб қўйган. Ҳар бир мижозга ўртача 1,8 секунд сарфлаган ва фақат 4 кишининнгина юзини кесиб олган.

x x x

Ҳиндистонлик С. Жаеромон ўнлаб йиллар узоқ вақт қарсак чалишга эришган. У 58 соату 9 дақиқа давомида тинимсиз қарсак чалиб турган. Қарсак чалиш суръати минутига 16 тани ташкил этган. Чапак овозини 109,7 метр нарилагилар ҳам бемалол эшитган.

x x x

Энг кўп олмани америкалик 32 яшар Жорж Эйдриан терган. У саккиз соат ичида жами 7180,30 килограмм олмани дарахтдан териб олишга муваффақ бўлган.

x x x

Энг узоқ муддат дарахтда амриқолик Тимоти Рой ўтирган. У 431 кун мобайнида Калифорния штатининг Норулок шаҳридаги истироҳат боғидаги дарахтдан тушмаган.

ТАМАКИ ҲАҚИДА

● ИСПАНлар 1492 йили Куба оролига етиб келганларида у ердаги маҳаллий аҳоли қандайдир бир ўсимликни еқиб, тутунини ҳидлашаётганини ва улар бу ўтларни муқаддас ҳисоблаб, шифобахш восита сифатида қўллашаётганларини кўришган. Колумбнинг ҳамроҳлари эса ушбу усимлик уруғидан ўзлари билан олиб чиқиб кетишган. Кейинчалик уни Испания ва Португалияда табак (тамаки) деб юрита бошлашди.

ҚУЛИ ЕНГИЛ НИКО... ТУФАЙЛИ

● ТАМАКИ таркибида жуда кучли таъсир этувчи заҳарли модда бўлиб, у — никотин деб аталади. Бу номга у Португалиядаги француз элчиси Жан Нико туфайли эришган бўлиб, бу одам 1560 йили Франция қироличаси Екатерина Медичига тамаки уруғини тақдим этган ва ушбу ўсимликда қандайдир шифобахш хусусиятлар ҳам борлигини айтиб ўтган. Жан Никонинг енгил қули туфайли тамаки узоқ вақт мобайнида Европа мамлакатларининг кўплаб шаҳарларида шифобахш восита сифатида қўлланиб келинган.

РАҲМАТ КУНИ

Инсондаги қарама-қарши қутблар — Раҳмоний Ақл ва Шайтоний Нафсни пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом «Лимматур-райҳмоний, лимматур-шайтоний» деб атаганлар. Бу икки қутб инсонни доимий равишда талашур. Улардан қай бирининг изнига берилиш унинг ўз қўлида. Шу боис инсон ўз ихтиери билан имонли бўлса, намоз ўқиса, руза тутса, бева-бечораларга хайр-эҳсон қилса, имкони бўлса Ҳаж ибодатини адо этса бу амаллардан Раҳмоний Ақл қувват олади. Ҳар бир мусулмон кишининг Аллоҳ йўлида хайр-эҳсон қилиб туриши, мол-мулкидан закот бериши, руза ойининг охирида фитр садақаси бериши исломнинг тўртинчи устуни қилиб белгиланган.

Закот — мусулмон кишининг мол-дунёси бир мўлжалга етгандан сўнг ундан бир улушини камбағал ёки мискин, мусофир ёки қарздор, ишқилиб, муҳтож кишига хайр-эҳсон қилишдир.

Хайр-эҳсон мусулмон аҳлоқ-ида фидоийликни чиниқтиради. Аллоҳ учун мол-мулкни эмас, жонни ҳам фидо этиш сифатларини ўстиради, дилидан шуҳратпарастлик, манманлик, зиқналик молпарастлик иллатларини ҳайдайди. Аллоҳнинг буйруғи олдида молдунёсини қурбон қила олган кишигина исломий саналади.

Хайр-эҳсоннинг яна бир фойдаси — мусулмонларнинг бир-бирига ёрдам бериб, моддий ва маънавий жиҳатдан бир-бирлари билан тенглашишларидир. Уларнинг орасида оч, яланғоч, хор, тиланчи кишилар бўлмаслиги керак. Мусулмон киши давлатини айш-ишратга сарфламайди, ўз молида етим-есирларнинг, фақир-мискинларнинг, камбағалларнинг, заковатли ва зеҳнли болаларнинг, ожиз-ногиронларнинг ҳаққи борлигини билади. Ўз бойлигида уларнинг ҳаққи борлигини тан олмайдиганлар золим кишилардир.

Молпарастлик аслида шахсиятпарастликдир, ўз-ўзини ўта яхши кўришдир. Шахсиятпарастлик эса қўлдан келганча бойлик орттириш, бошқа одамларнинг мулкини хуфе-на ёки ошкора тортиб олиш яъни куфрдир. Куфрга суянган ҳулқ мусулмон маданияти таълими эмас. Ислом маданияти таълими — Аллоҳ берган ризқнинг керагидан ортиқ тўпламаслик, ортиғини камбағалларга бўлиб беришдир.

Инсоннинг Раҳмоний Ақл қувватини кучайтириш учун руза ойининг охирида фитр-садақа беришни шариат вожиб қилган. Рамазон ойида бой-бадавлат кишиларнинг Аллоҳ йўлида камбағалларга, етим-есирларга хайр-эҳсон қилиши ҳар бир мўмин-мусулмоннинг ўз жони, мол-мулки ҳафоларидир. Фитр-садақаси киши бошига маълум миқдордаги буғдой ёки уннинг баҳосидаги пул билан алмаштирилиб, у шу садақани беришга қодир бўлган мусулмонларга вожибдир. Бундан ташқари ифторлик қилиш, Қуръони карим оятларини ўқиб Хатми Қуръон бағишлаш ҳам Рамазон ойидаги ибодат маросимларидан саналади ва хайр-эҳсонга киради.

Хайр-эҳсон ҳақида «Ибодати исломия» китобида келтирилган ушбу савол ва жавоб беҳад ўринлидир:

Савол: Садақаи фитр нечук садақадир?

Жавоб: Рамазон ойиндан сўнгра Ийди фитр куни берилатурғон садақадир.

Савол: Бой деб номозига шошиладилар. Улар йўл-йўлакай фитр садақасини тарқатадилар. Зеро, улуғ Рамазон ойида қилинган ибодатларнинг якуни бўлган Ҳайит намози ўқиб бўлгандан сўнг ҳақиқий байрам бошланади. Ҳижрий йилномага кўра Руза ҳайити Шаввол ойининг биринчи куни нишонланади. Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Руза ҳайити ҳақида шундай ёзади: «Шаввол. Бу ойнинг биринчи куни рўзадан чиқиш ҳайити. «Рамат куни» деб ҳам аталади. Шу куни ҳудо ваҳий олиб бориш учун Жаброилни танлади ва асаларига ваҳий юбориб, унга асал ишлашни илҳом қилди».

Руза ҳайити куни эрталаб қуёш чиққандан сўнг икки ракат Ҳайит намози ўқиш вожиб қилинган. Бу намоз ибодати жамоа бўлиб масжидларда ва намозгоҳларда ўқилади. Ҳайит намози ўқиб бўлингач, имом ва унинг ҳамроҳлари ўрнидан турадилар. Сўнгра